


Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 119 (12.430)

Баҳоси эркин нарҳда



КАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Ватанга хизмат — муқаддас бурч

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ОФИЦЕРЛАР!

Таъкидлаш жонзки, Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Бу борада ҳуқуқ тартиботни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлиги ҳамда фуқаролар тинчлигини ҳимоя қилиш бўйича юксак самарали тизим яратилди.

Айни пайтда, ички ишлар органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби ҳамда Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти ва Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби битирувчиларига дипломлар топширилиши ҳамда лейтенант унвони берилиши муносабати билан ушбу билим юртида ўтказилган тантанали тадбирларда ҳам шу ҳақда фикр юритилди.

Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти Президентимизнинг 1992 йил январдаги Фармонида асосан ташкил этилган бўлиб, ҳозирда бу ерда Ички ишлар вазирлиги ва Қуролли Кучларнинг бошқа тизимларида бешта мутахассислик бўйича офицер-кадрлар тайёрланмоқда. Билим юртида ўқитиш йўналишларга қараб, тўрт ва беш йил давом этади.

Таълим кундузги шаклда бўлиб, битирувчиларга лейтенант ҳарбий унвони ҳамда мутахассислик бўйича олий маълумот тўғрисидаги диплом берилади. Лейтенант Юнусбек Эгамбердиев ҳам ана шундай унвон ва дипломга эга бўлган битирувчилардан биридир.

— Бугун менинг ҳаётимда унутилмас ва қувончли кун, — дейди Юнусбек. — Болалигимдан орзу қилган лейтенант унвонига эга бўлдим. Биз тўрт йил давомида билим юртининг профессор-ўқитувчиларидан назарий ва амалий билимларни пухта эгалладик. Ушбу билим ва малакамизни амалиётда қўллаб, юртимиз тинчлиги, ободлиги ҳамда фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қиламиз.

Тадбир муносабати билан йиғилган соҳа ходимлари ва ота-оналар ёш офицерларни билим юртини тамомлаб, катта ҳаётга қадам қўяётгани билан муборакбод этдилар. Уларга кейинги ҳаётидаги шарафли ва масъулиятли ишларида омад тиладилар.

(Давоми 2-бетда)

Диққат, танлов!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокорпорация, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» аънавий танловида тақлиф этади.

Танловга «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шiori асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган ижодий ишларда: мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, истиқлол юртида яшайётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканлиги кенг очиб берилган;

ҳалқимиз ўтган даврда ўзининг мустақам иродаси, қатъият ва матонат, истиқлол ғояларига садоқатини намойиш этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган;

тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб даъват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатиимиз, кўнча урф-одат ва аъналаримизнинг қайта тиклангани, ўз кадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш,

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси
Телефонлар: (8-371) 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79;

ИСТИҚЛОЛ — ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

«Энг улуг, энг азиз» республика танлови ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

гимиз барча фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили экани, ўтган даврда ҳалқимизнинг матонати, мустақам иродаси ва қатъияти орқали Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан эгалланган ўрни тобора мустақамланиб бораётгани акс этирилиши зарур. Қишлоқ аҳли учун яратилаётган қулайликлар, ёшлар, хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак меҳр ва ғамхўрлик, мустақил, янгича тафаккурга эга авлоднинг шаклланаётгани, «Обод турмуш

йили» Давлат дастури доирасидаги эзгу ишларнинг ёритилиши танловнинг асосий талабларидандир.

Йиғилишда «Энг улуг, энг азиз» республика танловининг ҳакамлар ҳайъати таркиби тасдиқланиб, худудий босқичларни ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди.

Танлов ғолиб ва совриндорлари Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент вилояти ҳокимлигида ёшлар таълим-тарбиясига эътиборни янада кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этди.

• Термиз шаҳрида «Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиёти омили» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда иштирокчиларга тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, бизнесни юриштиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ҳақида батафсил маълумот берилди.

• Бухоро давлат университетида «Барқарор ривожланишнинг муҳим экологик омиллари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ва Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Юртбошимиз раҳнаомлигида мамлакатимизда сув, ҳаво, ер, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилангани таъкидланди.

• Самарқандда ўрта махсус, касб-хуна тарбияси муассасалари ўқувчилари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда танловнинг Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган саралаш босқичларида муваффақият қозонган ўқувчи ёшлар иштирок этди.

• Олтинсой туманидаги «Ботош паҳлавони» фермер хўжалиги қошида электр двигателларини таъмирлаш цехи ишга туширилди. Россиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган ушбу цехда ҳозирда етти киши меҳнат қилмоқда. Улар томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришда фойдаланиладиган сув насослари ва трансформаторлар сифатли таъмирланяпти.

ЖАҲОНДА

• Европанинг «Airbus» самолётсозлик авиакомпанияси томонидан яратилган янги «Airbus A350» самолёти синов парвозидан муваффақиятли ўтди. Узоқ масофага учувчи ушбу ҳаво кемаси бир вақтнинг ўзида 350 нафаргача йўловчига хизмат кўрсатади. Айни пайтда авиакомпания ушбу русумдаги самолётлардан 617 дона етказиб бериш борасида шартнома имзолади.

• Британиялик альпинист Даниэль Хьюз Ер шарининг энг баланд нуқтасидан туриб, телефон орқали ўзлаштириш мумкинлигини исботлади. У денгиз сатҳидан 8848 метр баландликда — Жомолунгма чўққисидан туриб, смартфон ёрдамида видеоалоқага чиққан инсоният тарихидаги биринчи одам бўлди. Айтиш керакки, альпинист айнан НТС One русумли телефон аппарати билан фойдаланган. Мутахассислар бошқа турдаги телефон аппаратларидан бундай баландликдан туриб фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ҳозирча аниқ тўхтамга келганларича йўқ.

• Филиппин архипелагининг Буриас ороли соҳилларида 57 нафар йўловчи тушган кема сувга ғарқ бўлди. Ушбу ҳалокат натижасида 37 киши бедарак йўқолган. Ҳалокат сабаблари ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятини янада ривожлан-

тириш, унга АКТни кенг жорий этиш режалари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар худудий бўлимасида «Ки-

чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги 193-умумтаълим мактабида ўтка-

зилган тадбир «Ўзбекистон ягона уйимиз!» мавзусига бағишланди.

✓ **БУГУН** Тошкент шаҳар қишлоқ хўжалик улгуржи бозорида «Ақидапарастлик ва миссионерликка қарши кураш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Республикада қўшимча инфратузилма иншоотлари лойиҳаларини амалга оширишда «Алоқалойиҳа» давлат унитар корхоналарида олиб борилаётган изланишлар қўл келмоқда.

«АЛОҚАЛОЙИҲА» ЖИДДИЙ ИЗЛАНИШДА

Корхона маҳаллий, шаҳарларо ва халқаро телекоммуникация, телевидение, радиоалоқа ва маълумотлар узатиш йўналишлари, шунингдек, автоматик бошқариш мажмуалари лойиҳаларининг эксплуатациясини амалга оширишга ихтисослашган.

Ўтган 2012 йилда талайгина лойиҳа-смета ишлари бажарилди. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи бу-

юртмачи корхоналар ҳиссасига тўғри келган изланишлар ҳам эътиборга сазовордир. Инновация лойиҳаларини амалга ошириш борасида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси филиалининг буюртмалари асосида Тошкент-Олмалиқ-Бетегелен-Қўқон рақамли радиореда линияси кенгайтирилди.

Ботир АЛИЕВ

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ЙЎЛ

Маълумки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида банк кредитлари орқали аҳоли фаровонлиги ва реал дороҳликларининг изчил ўсишини таъминлаш, аҳолининг иш билан бандлигини мувофиқлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Мазкур дастур ижросини таъминлаш борасида «Асака» банк томонидан ишлаб чиқариш инфратузилмалари объектларини қуриш ва ишга тушириш, қасаначилик ҳамда бошқа шунга ўхшаш хизматлар соҳасини кенгайтириш, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун кредитлар ажратиш, шахсий ёрдамчи ва

«Асака» банк акциядорлик давлат тижорат банки ва Тошкент шаҳар Сергели туман прокуратураси ҳамкорлигида «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

деҳқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда. Бўлиб ўтган семинарда ёшларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ва шу орқали қўллаб-қувватлаш янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда «Асака» банк томонидан 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектла-

рига жами 684 миллиард сўм, шу жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 6 миллиард 2 миллион сўм, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга эса 6 миллиард 5 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратиш режалаштирилганлиги таъкидланди.

«Туркисмон-пресс»



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ОФИЦЕРЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимига малакали, етук кадрларни етказиб бериш, Ватанимиз, халқимиз осойишталигини таъминлашга қодир ҳар томонлама баркамол ходимларни тайёрлашда Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бугунги кунгача билим юртини қарийб 7 минг нафар мутахассис тугатган бўлиб, улар юртимизнинг турли бўлиқларида халқимизни ёнгин хавфидан асраш йўлида муносиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилда мазкур мактабни 63 нафар ёш кадрлар тамомлади. Битирув муносабати билан ташкил этилган тадбирда уларга лейтенант ҳарбий унвони ҳамда мутахассислик бўйича олий маълумот тўғрисидаги диплом топширилди. Мактабнинг бир қатор намунали битирувчилари ички ишлар вазирлиги имтиёзли дипломларни қабул қилиб олдилар.

Ёшларимиздан ёнгин хавфсизлиги ходимларининг фаолиятига қизикаман, — дейди билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаётган лейтенант Зоир Муродов. — Бугун кувончим чексиз, chunki қизикан соҳам бўйича офицер деган номга эга бўлиш

билан бирга имтиёзли диплом ҳам олдим. Беш йил аввал ҳеч иккиланмасдан Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабини танлагандим. Ҳозир тўғри йўл танлаганимга амин бўлмоқдаман. Эндилқда олган билим ва кўникмамни халқимиз хавфсизлигини таъминлаш йўлида қўллашга ҳаракат қиламан.

— Фарзандимни офицерлик либосида кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди хоразмлик лейтенант Шерзод Собировнинг онаси Аноргул Ёқубова. — Ўғлим ушбу таълим муассасасини битириб, шарофли касбини эгаллаш билан бир қаторда соғлом, кучли, мард ва қатъиятли йигит бўлиб етишди. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиздан фарзандларимизнинг таълим олиши ҳамда етук кадр бўлиб етишишида кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдоримиз.

Тантанали маросимда танқили санъаткорлар, Ички ишлар вазирлиги ансамбли жамоаси ҳамда билим юрти бадий ҳаваскорлари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлубов иштирок этди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

Мамлакатимизда Истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш давомида халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган сўз эркинлиги ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Фармойиши билан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун уч принципга асосланиб тайёрланди: биринчидан, миллий ҳуқуқий таърибани ҳисобга олиш — ОАВ соҳасида 10 дан ортиқ қонун ва 40 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни инвентаризация қилинди; иккинчидан, хорижий мамлакатларнинг ОАВ тўғрисидаги қонунлари қиёсий таҳлил этилди. Австрия, Буюк Британия, Германия, Франция каби жаҳоннинг 20 дан ортиқ давлатларининг 50 дан зиёд қонун ҳужжати ўрганилди; учинчидан, сўз эркинлиги ва ОАВ соҳасидаги халқаро стандартлар, яъни 10 дан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ўрганилди. ЕХХТ Вакили бюросининг ОАВ эркинлиги масалалари бўйича ва Халқаро нотижорат ҳуқуқ марказининг (АҚШ) халқаро экспертиза хулосалари олинди.

Жорий йил 20 мартда Ортбошимиз томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиш қабул қилинди. Унга мувофиқ ҳуқуқий эксперимент ўтказувчи ишчи комиссия ташкил этилди ва жорий йилнинг 27 март кунини унинг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳуқуқий эксперимент, бу — қонун лойиҳасини дастлабки синовдан ўтказиш, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини текшириш бўлиб, у қонун лойиҳасининг ҳам устуворликларини, ҳам камчилик ва нуқсонларини таърибда тартибда аниқлашни мақсад қилиб олади; ҳуқуқий эксперимент қонун чиқарувчида энг мақсадга мувофиқ ва мақбул ҳуқуқий қарорни кўрсатиб бериш мақсадида ҳуқуқий нормалар самарадорлигини олдиндан баҳолашнинг энг тежамкор шакли ҳисобланади; экспериментал қонун лойиҳаси барча ҳолатларда вақтинчалик ҳисобланади ва унинг мақомида қўлланилиши аввалдан географик жиҳатдан чекланган; қонун лойиҳаси илмий-изланиш хусусиятига эга. Унинг мазмун-моҳияти ҳуқуқий эксперимент ўтказиш жараёнида ҳамда қонунчилик ишларининг кейинги босқичларида жиддий ўзгариши мумкин; ҳуқуқий эксперимент ўтказишнинг ҳуқуқий асоси махсус юридик ҳужжат, бизнинг ҳолатимизда Президент Фармойиши билан ташкил этилади.

Мазкур ҳуқуқий экспериментнинг асосий вазифалари қуйидагилардан — қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолиятининг очиқлигини, шаффофлигини, улардан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган нормалари самарадорлигини аниқлаш; қонун лойиҳаси нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш, уларни самарали қўллаш механизмларини яратиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий эксперимент усулларини жорий этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш; давлат органлари раҳбарлари ўзи қабул қилаётган қарорларнинг, энг аввало, бевосита одамлар манфаатларига, жамоатчиликка дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар орқали тушунтириш борасидаги ишларда фол иштирокини

рағбатлантиришнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, усулларини ишлаб чиқиш; миллий матбуотнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, мамлакатимизнинг ташқи ва ички сиёсатини ёритиш сифатини, самарадорлигини мунтазам ошириб боришга қаратилган, журналистларнинг касбий фаолияти соҳасида ўзини ўзи тартибга солишининг (касбий этика кодексининг) турли механизмларини амалиётда синовдан ўтказиш; қонун лойиҳаси нормалари амалга оширилишининг давлат бошқаруви тизими барқарор фаолият юритишига, бу соҳадаги ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўрсатиши мумкин бўлган таъсири оқибатларини баҳолашдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармойиши аҳамияти қуйидаги жиҳатларда намоён бўлди: биринчидан, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш, энг аввало, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштиришни таъминлашга қаратилган; иккинчидан, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш, бу — Қонунга масъулият билан ёндашиш кўрсат-

ҲУҚУҚИЙ ЖАРАЁННИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТИ

кичидир, уни «етти ўлчаб бир кес» мақолига қиёслаш мумкин; учинчидан, ҳуқуқий эксперимент Конституциянинг барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ва қарорлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш мажбуриятини мустақамлайдиган 30-моддасини амалга оширишга қаратилган; тўртинчидан, ҳуқуқий эксперимент Қонун лойиҳасидаги қоидаларни синовдан ўтказиш ва Қонун нормаларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Ҳуқуқий эксперимент қонун лойиҳаси сифатини оширади, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги бўшлиқларни бартараф этади, қонун лойиҳасининг зарурлиги ва самарадорлиги даражасини кўрсатади, қонун лойиҳаси ижросининг дастлабки мониторингини олиб бориш имконини беради.

Олиб борилаётган ҳуқуқий экспериментнинг асосий мазмун-моҳияти шундан иборатки, қонун лойиҳаси ташаббускорлари Бухоро ва Самарқанд вилоятларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал амалиёти мисолида улар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайдиган қонун лойиҳаси қоидаларини текшириш имкониятига эга бўлади.

Ҳуқуқий эксперимент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар сиёсатининг шаффофлиги, очиқлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси қоидаларига амалий ишлов бериш, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтларининг аҳолини давлат органларининг муҳим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларини ҳал қилиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш соҳасидаги вазифаларини амалга ошириш борасидаги иши тўғрисида хабардор этишдаги роли ва аҳамиятини кучайтириш мақсадида ўтказилади.

борот очиқлигини таъминлаш бўйича фаолияти юзасидан ахборотдан фойдаланувчиларнинг баҳоларини олишга доир социологик тадқиқотлар олиб бориш; очиқлигини таъминлаш соҳасида хорижий мутахассислар ва экспертлар иштирокида қонун лойиҳаси нормаларини муҳокама қилиш бўйича конференциялар, брифинглар, давра суҳбатлари ўтказиш ва уларни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш. Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш вақтида қонун лойиҳаси нормаларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни бевосита хабардор қилишнинг самарали шакллари ва механизмларига ишлов бериш мақсадида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш субъектлари раҳбарлари томонидан матбуот анжуманлари, брифинглар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан интервьюлар ташкил этилади; ҳуқуқий эксперимент вазифаларини самарали бажариш учун махсус интернетда сайт яратилади, унда ҳар ким экспериментнинг амалга оширилиши жараёни билан танишиб чиқиши, қонун лойиҳаси нормаларини муҳокама этишда иштирок этиши мумкин, ОАВ вакиллари ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборот материалларини автоматик равишда олиши мумкин.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш аяқлари бўйича барча олинган натижалар пухта таҳлил қилинади, улар асосида қонун лойиҳаси матнини ишлаб чиқишда ҳисобга олинадиган аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Давлатимиз раҳбари Фармойишининг қабул қилиниши ҳам ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштириш учун янги имкониятлар очиб беради ҳамда қонун ижодкорлиги ташаббуси субъектларининг қонун ижодкорлиги фаолиятига янги, истиқболли усулни кенг татбиқ қилиши учун пойдевор яратиб беради.

Алимжон АКИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИОРЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Адлия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитражини жорий этишнинг долзарб масалаларига бағишланган амалий семинар ташкил этилди.

Тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад мамлакатимизда халқаро тижорат арбитражини жорий этишнинг концептуал масалаларини муҳокама этиш, хорижий давлатлар қонунчилиги ва тижорат арбитражи амалиёти-ни таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикасида қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришга доир тақлифларни кўриб чиқишдан иборатдир.

Илмий-амалий семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳакамлик судлари вакиллари, Адлия, Иқтисодиёт, Молия вазирликлари ҳамда бошқа манфаатдор идораларнинг масъул ходимлари, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари олимлари, мутахассислар, етакчи халқаро экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, адлия вазирининг биринчи ўринбасари Е.Каньязов ва бошқалар мамлакатимизда ишлаб чиқилган самарали қонунчилик базаси қулай инвестиция муҳитини янада мустаҳкамлаш ҳамда хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистонда инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга оид қарийб эллика икки томонлама шартномага амал қилинмоқда. Бу борада қатор кўп томонлама халқаро-ҳуқуқий ҳужжат-ратификация қилинган. Мазкур шартномалар инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, инвестицияга етказилган зарарини қоплаш, инвестицияларни чет элга эркин ўтказиш, шунингдек, инвестициялар билан боғлиқ низоларни ҳал этишни тартибга солишга хизмат қилмоқда.

Семинарда таъкидланганидек, халқаро амалиётда томонлар ўртасида инвестициялар билан боғлиқ низоларни улар ўртасида маслаҳат ўтказиш, келишувга эришилмаган тақдирда эса инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат судлари ёки халқаро ҳакамлик судида (арбитраж) кўриб чиқиш орқали ҳал этилади. Низоли халқаро ҳакамлик судига кўриб чиқишга тақдим этиш учун бериладиган розилик давлатлар ўртасида тузиладиган шартномаларда ёки инвестор ҳамда инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат ўртасидаги шартномалар доирасида қайд этилади. Бу эса ўз фуқароларининг бошқа давлатлар ҳудудидagi инвестицияларини ҳимоя қилишга, бу каби шартномаларни тузишга интилаётган давлатларни рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга оид давлатлараро шартномаларда инвестициялар билан боғлиқ низоларни амалдаги ҳакамлик суди ёхуд «ad hoc» ҳакамлик судига (маълум бир низоларни ҳал этиш учун махсус ташкил этиладиган ҳакамлик судига) тақдим этиш имконияти кўзда тутилган. Шундай қилиб, мамлакат умумқабул қилинган халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этиш учун барча зарур ҳуқуқий кафолатларни беради.

Айни пайтда Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ишлари давом этмоқда. Бу жараёнда етакчи хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ва умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда ЮНСИТРАЛ арбитраж регламентининг асосий қоидалари, Германия, Франция, Япония сингари давлатларда ишни ҳакамлик судларида кўриб чиқишнинг қонунчиликка оид нормалари ҳамда қоидалари муҳокама этилди.

Илмий-амалий семинар қатнашчилари томонидан ишлаб чиқилган хулоса ва тақлифлар инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, бошқа мамлакатлар билан савдо-инвестиция муносабатларини кенгайтириш учун янада кенгроқ шариот яратиш, инвестициялар билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўз — 2013



ТЎГАРАКЛАРДА — ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Мана ёзги таътиллار ҳам бошланиб, болажонларни сўлим оромгоҳлар ўз бағрига қорлади. Шаҳримиздаги мактаблар қошида очилган соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Чилонзор туманидаги 164-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган оромгоҳда ҳам бугунги кунда 130 нафар мактаб ўқувчилари мароқли ҳордиқ чиқариб ёзги таътил гаштини сурмоқда.

— Оромгоҳимизда ўқувчиларнинг ҳар томонлама чиниқиб, билимлари ошиб, спортга ошно бўлган ҳолда дам олишларини таъминлаш учун тегишли шароитларни яратишга ҳаракат қилдик, — дейди оромгоҳ бошлиғи Раъно Хўжаева. — Чунончи, футбол, волейбол, тен-

нис, шахмат, шашка, расм чизиш тўғаракларида болажонлар спорт ва тасвирий санъат сирларини ўрганмоқдалар. Чўмилиш ҳавзасида ёз гаштини сурмоқдалар. Уларнинг мазмунли дам олишларини таъминлаш учун шахримизнинг диққатга сазовор жойларига экскурсиялар уюштириб турилади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: 164-мактаб қошидаги соғломлаштириш оромгоҳида мана шундай шароитлар яратилган

БОЛАЛАР — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйида болаларнинг ёзги оромгоҳларга жўнаб кетиши олдидан «Болалар — бизнинг келажагимиз» деб номланган тadbир бўлиб ўтди. Tadbир «NAVRUZ INTERNATIONAL CORP» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ҳамкорлигида уюштирилди.

31-Меҳрибонлик уйи директори А. Матрасулова кечани кириш сўзи билан очар экан, тарбияланувчиларни 2012-2013 ўқув йилини муваффақиятли якунлаганликлари билан табриклаб, келгуси ўқиш ва ишларида муваффақиятлар тилади.

— Эртаминг давомчилари бўлмиш болаларнинг келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин бўлиши учун Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди «NAVRUZ INTERNATIONAL CORP» қўшма корхонасининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходими Ш.Орифхўжаева. — Ёшларимиз ҳар бир соҳада илғор, билимдон, изланувчан, етакчи ва зуккодирлар. Болалар учун яратилаётган имкониятлар замирида эса,

уларнинг ёрқин ва нурафшон келажаги акс этади. Умид қиламизки, болаларимиз келажақда мамлакатимизнинг янада раванг топишига, гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшиб, халқимизга содиқ фарзандлар бўлиб камолга етадилар.

Tadbир давомидида Меҳрибонлик уйи мутасаддилари болаларга яратилган қулай шарт-шароитлар, янги таъмирдан чиққан, замонавий қулайликларга эга бўлган масканда ташкил қилинган тўғараклар, уларнинг фаолияти, спорт майдончалари ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Куй ва қўшиқлар, рақслар гулдастаси остида ташкил қилинган бадий чикишлар тadbирнинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ётган эски кўринишдаги оддий кўчалари ва турар жойлари, ҳовлилари, йил фасллари акс этган.

Тошкентнинг Эски шаҳрида туғилиб ўсган А.Юнусов ўзи яшаган ҳудуд ҳаётини, кўҳна маҳаллаларни ўрганган. Кўргазма очилишидаги давра суҳбатидида ҳам таъкидланганидек, йўлдошдаги севган мавзуси Тошкент уй-жойлари, ҳовлилари, кўчалари, турмуш тарзининг айрим қирралари бўлиб, бу асарларга муаллифнинг меҳри ва самимийлиги сингиб кетган. Унинг экспозициядан ўрин олган «Бизнинг кўча», «Баҳор ёмғири», «Она ҳовли», «Эски ҳовли», «Ҳовли», «Хива кўчаси», «Қишки ҳовли», «Баҳор суҳбатлари» каби қатор асарлари муҳлисларни бефарқ қолдирмайди, мулоҳазага қорайди.

Кўргазма жорий йилнинг 11 июлига қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

БОҚИЙ САНЪАТ НАМОЙИШИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида майдон томошалари санъати республика телефестивали бўлиб ўтди.

Обод турмуш йилига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган телефестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ижодий жамоалар иштирок этди.

Фестивалнинг очилишида Президентимиз Исмоил Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва уларнинг бардавомлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда қабул қилинган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бунда муҳим омили бўлмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур телефестивалдан кўзланган мақсад миллий меросимизни кенг намойиш этиш, халқ ижодиёти бадий жамоаларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Фестивалнинг барча босқичида мамлакатимизнинг олтидан ортиқ миллий дорбозлик, анъанавий цирк, халқ кўғирчоқ театри жамоаси иштирок этди.

Икки кун давом этган телефестивалда дорбозлик, тош ўйинлари, карнай-сурнай ижрочилиги, халқ ҳаваскорлик кўғирчоқ театр жамоаларининг дастурлари намойиш этилди. Энг яхши деб топилган жамоаларга дипломлар топширилди.

Назкат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида рангтасвирчи расм Абдуманнон Юнусов хотирасига бағишланган кўргазма очилди.

Кўргазмалар

САНЪАТ АСАРЛАРИДА ШАҲРИМИЗ МАНЗАРАЛАРИ

Расм 1946 йили Тошкентда таваллуд топган. Республика расмлик билим юртида, Тошкент театр ва расмлик институтида ўқиган. Машҳур расмлар Раҳим Аҳмедов, Неъмат Қўзиевдан сабоқ олган. Асарлари Ўзбекистон музейларида, юртимиз ва хориждаги шахсий кол-

лекцияларда сақланади.

Кўргазмага расмнинг турли йилларда яратилган 30 га яқин рангтасвир асарлари намойиш учун қўйилган. Уларда юртимиз табиати ва унинг инъомлари, ширин-шакар мевалари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, маҳаллаларнинг тарихга айланиб бора-

Қизил Ярим Ой жамияти Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан асосий йўналишлардан бири бўлган «Беғараз донорлик» ишларини янада ривожлантириш мақсадида «Қон — бу ҳаёт» шиори остида тadbир ўтказилди.

Тadbирлар

БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти ҳамда «Самарқанд дарвоза» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тadbирда яқинда 150 йиллиги нишонланган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятининг фаолияти, унинг тарихи ва фаолият йўналишлари, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган ишлар борасида тўлиқ маълумот берилди.

— Жамиятимиз томонидан аҳолини беғараз донорликка жалб этиш, қон хавфсизлигини таъминлаш, батафсил текширув тестидан ўтказиш, инсон саломатлигини таъминлаш, қон тизимидаги касалликларни аниқлаш, камқонлиқнинг олдини олиш мақсадида доимий равишда ўқув-семинарлар ўтказиб келинади, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлими раиси Барчиной Мухамеджонова. — Мақсадимиз ёшлар, қолаверса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, шу билан бирга инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасида ҳуқуқий саводхонлиқни оширишга ҳисса қўлишидир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Спорт янгиликлари

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Мухлисларга маълумки, футбол бўйича ёшлар ўртасида Туркияда уюштирилаётган жаҳон чемпионатида ҳам санокли кунлар қолди.

Жаҳон чемпионати гуруҳ баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси нуфузли турнир олдидан Испанияда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этди. Ёшлар терма жамоаси ўқув-машғулот йиғинларида 21 нафар футболчи билан катнашди. Йиғинлар доирасида Испания ва Чили ёшлар терма

жамоалари билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашган жамоамизга ушбу йиғин маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Эслатиб ўтамиз, Туркияда ўтadиган жаҳон чемпионатида Аҳмаджон Мусаев шогирдлари Янги Зеландия, Хорватия ҳамда Уругвай ёшлар терма жамоалари билан бир гуруҳда ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Ҳар ойда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ойнинг энг яхши футболчиси ва мураббийсини аниқлаш мақсадида уюштирилаётган сўровнома якунлари эълон қилинди.

ЛАУРЕАТЛАР АНИҚЛАНДИ

Унга кўра май ойининг энг яхши футболчиси номига «Насаф» клуби аъзоси Артур Геворган, энг яхши мураббий номига ушбу жамоа бош мураббийси Рўзқул Бердиев сазовор бўлди. Май ойида рақиблар дарвозасини беш марта аниқ нишонга олиб «Локомотив» жамоаси галабаларига муҳим ҳисса қўшган ҳужумчи Фарход Тожиёв сўровнома якунига кўра иккинчи ўринга лойиқ топилган бўлса, ўтган ойда энг яхши мураббий деб баҳоланган Миржалол Қосимов ҳам иккинчи ўринни эгаллади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўз-Ўз ўрганиш домо бўлу

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Ҳаётнинг оғирини кўрмаган кишининг унга енгил қараши табиий.

Ўз фойдасига қолганда ҳамма доно.

Бировнинг айбига бошқалар кўзгу.

Кўзи тўқнинг ғами йўқ.

Кўлидан иш келмаганининг ҳеч кимга кераги йўқ.

Эҳтиёткорлик ҳеч қачон зарар қилмаган.

Бир кунда ҳамма юмушдан қутуламан дема, эртага ҳам яна бошқаси чиқади.

Қишнинг ўтгани ҳисоб, баҳорга етганинг.

Нафси ғолибнинг ўзи мағлуб.

Ҳар ким тақдирдан ўз тегишини олади.

Ўзи ёмон бировни яхши демайди.

Бошқалардан айб қидиришнинг ўзи айб.

Душманингни оғиз томонларини билиш учун ҳам уни яхшилаб ўрганишинг керак.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 19 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғинарчилиги бўлмайдиганлиги аниқланди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамолнинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз кўпайиш — 15-17, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзили:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 641

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11837 нусxada босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОНОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30